2014 йил 27 октябрь, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 209 (12.770)

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН: ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Ташрифнинг асосий воқеалари 24 октябрь куни бўлди. Расмий кутиб олиш маросимидан кейин Президентларнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Ўзбек ва туркман халқларининг тарихи, маданияти ва қадриятлари муштарак, тил ва урф-одатлари ўхшаш. Икки халқ азалдан бир-бирининг маданиятини бойитиб, савдо-сотиқ қилиб келади, бир дарёдан сув ичади.

Аждодларимизнинг илмий, маданий-маънавий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулкидир. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, Туркманистонда Алишер Навоий, Ўзбекистонда Махтумқули асарлари катта қизиқиш билан мутолаа қилинади ва тадқиқ этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар юксак суръатлар билан ривожланмоқда. Бунда аввало икки давлат раҳбарлари ўртасидаги яқин дўстлик, ишонч ва самимият муҳим аҳамият касб этмоқда.

Олий даражадаги учрашувларнинг мунтазамлиги давлатлараро муносабатлар юксак даражада эканидан далолатдир.

Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг бу галги Ашхобод учрашуви олий даражадаги самарадор ва фаол мулоқотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Президентларнинг очиқлик ва ишонч руҳида ўтган суҳбатида ўзаро ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинар экан, мамлакатларимиз манфаатлари муштараклиги, икки томонда ҳам кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш учун хоҳиш ва ирода мавжудлиги, давлатларимиз бунинг учун улкан салоҳият ва имкониятларга эга экани таъкидланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашув давомида муҳокама этилган барча масалалар бўйича томонларнинг қарашлари ва ёндашувлари ўхшаш ёки яқинлиги қайд этилди.

Бу, айниқса, Афғонистон масаласига муносабатда ёрқин намоён бўлади. Ўзбекистон ва Туркманистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида темир йўллар ва кўприклар барпо этиш, муҳим инфратузилма объектларини тиклаш, электр энергияси ва бошқа маҳсулотлар етказиб бериш бўйича лойиҳаларни амалга ошириб, бу орқали мазкур мамлакатда тинчлик ва осойишталик ўрнатилишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Дунёнинг турли минтақаларида вазият шиддат билан ўзгараётган, воқеалар ривожи олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳолатга келган, босқинчилик ва зўравонлик кенгайиб бораётган бугунги шароитда давлат раҳбарларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик хавфсизликни таъминлаш масалаларидаги ҳамфикрлилиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов минтақада сув ресурсларидан фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Таъкидланганидек, сув-энергетика соҳасига доир масалаларни ҳал қилишда, жумладан, трансчегаравий дарёларда йирик гидроэнергетика иншоотларини барпо этишда БМТнинг тегишли конвенцияларида белгилаб берилган халқаро меъёрларга мувофиқ иш тутиш, бундай объектларнинг лойиҳаларини мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш зарурлиги қайд этилди.

Президентлар ўзаро ҳамкорлик стратегиясини ривожлантириш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан позиция ва қарашларни ўзаро мувофиқлаштириб бориш мақсадида олий даражадаги учрашувларни мунтазам давом эттиришга келишиб олдилар.

Кенгайтирилган таркибдаги музокарада савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2013 йилда 353,9 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг январь-август ойларида 246 миллион долларга етди. Лекин, қайд этилганидек, томонларнинг имкониятлари бу рақамлардан анча юқори.

Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон ҳукуматлараро комиссияси савдо ҳажмини ошириш, сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг янада самарали чора-тадбирлари ва механизмларини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Ўзбекистон ва Туркманистоннинг иқтисодий ҳамкорлигида транспорт коммуникациялари муҳим йўналишлардан биридир. Икки мамлакатнинг автомобиль ва темир йўллари яхши интеграциялашган тизим бўлиб, нафақат Ўзбекистон ва Туркманистон, балки учинчи давлатлар учун ҳам қулай транзит мажмуи вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатларимиз икки ва кўп томонлама асосда транспорт коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни фаол ривожлантирмоқда. Хусусан, Президент Ислом Каримов ташаббусининг амалий ифодаси бўлган Ўзбекистон – Туркманистон – Эрон – Ўмон янги халқаро транспорт-коммуникация коридорини барпо этиш бўйича 2011 йили имзоланган битим муҳим геостратегик аҳамиятга эгадир.

Ушбу ғоянинг ҳаётга татбиқ этилиши Марказий Осиё давлатларини Яқин Шарқнинг иқтисодий фаол кўрфазларидаги бандаргоҳлар билан боғлаш имконини беради. Бу келгусида божхона соҳасида, автомобиль, темир йўл ва денгиз транспорти орқали юк ташиш ва транзит қилишда қулайликлар яратилишига йўл очади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қўшма лойиҳалар сармоявий ҳамкорлик ривожига янги суръат бахш этади.

Экспертларнинг фикрича, лойиҳа ижроси якунига етгач, бошқа мамлакатлар ҳам ундан фойдаланишдан манфаатдорлик билдиради. Бу лойиҳанинг жозибадорлигини янада оширади.

Иқтисодий алоқаларнинг устувор йўналишларидан яна бири энергетика соҳасидир.

Ўзбекистон ва Туркманистонда углеводород ресурсларининг йирик заҳиралари мавжуд, лекин икки мамлакат ҳам жаҳон бозорларига тўғридан-тўғри чиқиш йўлига эга эмас. Бундай шароитда ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлик яхши самара беради. Бунга муваффақиятли амалга оширилаётган ва мамлакатларимизга табиий газ экспорти йўналишларини диверсификация қилиш имконини берган Туркманистон – Ўзбекистон – Қозоғистон – Хитой трансмиллий газ қувури лойиҳаси яққол тасдиқ бўлади.

Музокарада қўшма корхоналар, миллий фирма ва компаниялар ваколатхоналарининг сонини кўпайтириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Икки мамлакатнинг салоҳиятини намойиш этишга, тадбиркорларнинг бевосита мулоқотлари учун янги имкониятлар очишга хизмат қиладиган миллий кўргазмаларни ташкил қилиш анъанасини изчил давом эттиришга келишиб олинди.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Бу борада 2014-2016 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури доирасида икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Туркманистонда ўтказиладиган турли концертлар, фестиваль ва кўриклар, кўргазма ва форумларда фаол иштирок этмоқда.

Келишувга биноан бундан буён ҳам иккала мамлакатда ташкил этиладиган маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари ҳақида мунтазам равишда маълумот алмашиб борилади ҳамда маданият ва санъат намояндаларининг, спортчиларнинг фаол иштироки таъминланади. Рассомлар асарлари кўргазмаларини, ҳунармандлик маҳсулотлари ярмаркаларини, мусиқа ва театр жамоаларининг ижодий сафарларини ташкил этиш давом эттирилади.

Музокарада сайёҳлик соҳасида мамлакатларимиз улкан имкониятларга эга экани таъкидланди. «Буюк Ипак йўли» сайёҳлик лойиҳаси доирасида комбинациялашган саёҳатлар ташкил қилиш орқали бу соҳадаги алоқаларни фаоллаштиришга келишиб олинди. Бошқача айтганда, Ўзбекистонга келган сайёҳ Туркманистон, Туркманистонга борган сайёҳ Ўзбекистон орқали қайтиб кетишини йўлга қўйиш мумкин. Шу тариқа миллий авиакомпанияларнинг ҳамкорлигини кенгайтириш учун ҳам яхши замин яратилади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Қўшма баёнотни имзоладилар. Икки мамлакат ўртасида замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси воситалари етказиб беришга, ташқи сиёсат маҳкамалари ва савдо-саноат палаталари ўртасидаги муносабатларга, экология соҳасида ҳамкорликка оид ҳужжатлар имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президентлар ушбу ташриф ўзаро ҳурмат, ишонч ва манфаатдорликка асосланган олий даражадаги самарали мулоқотнинг давоми бўлганини, икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалаларини муҳокама этиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай фурсат яратганини таъкидладилар. Музокаралар очиқлик, ўзаро англашув ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтгани, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Туркманистон халқлари манфаатлари йўлидаги серқирра ва дўстона муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилиши қайд этилди.

Саммитнинг асосий воқеалари ниҳоясига етгач, давлат мукофотлари билан тақдирлаш маросими бўлди. Икки томонлама муносабатларни мустаҳкамлаш ҳамда ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва маданий ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш йўлидаги буюк хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркманистоннинг Махтумқули номидаги халқаро мукофоти билан тақдирланди. Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари учун Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовга Ўзбекистон Республикасининг «Мустақиллик» ордени топширилди.

Куннинг иккинчи ярмида Президент Ислом Каримов «Halk hakydasy» («Халқ хотираси») хотира мажмуига ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбари Иккинчи жаҳон урушида ҳамда Гўктепа жангида (1880-1881й.) ҳалок бўлганлар, Ашхобод зилзиласи (1948й.) қурбонлари хотирасига ҳурмат бажо келтириб, ёдгорлик пойига гул қўйди. Ислом Каримов ушбу воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи музей экспонатлари билан танишиб, Фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Туркманистонга расмий ташрифи якунига етди. Ашхобод музокаралари ва эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Туркманистон ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш йўлидан собитлик билан бораётганини яна бир бор тасдиқлади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
Тошкент – Ашхобод – Тошкент.

---

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ГУРБАНГУЛИ МЯЛИКГУЛИЕВИЧ БЕРДИМУХАМЕДОВНИ «МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбек ҳамда туркман халқлари ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида ўзаро манфаатли ва самарали ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги катта хизматлари, тинчликни таъминлаш ва халқаро алоқаларни кенгайтириш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун Туркманистон Президенти Гурбангули Мяликгулиевич Бердимухамедов «Мустақиллик» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2014 йил 22 октябрь*

---

## ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

*Азиз миришкор пахтакорлар!*

*Қадрли деҳқон ва фермерлар!*

*Сиз, азизларни шу кунларда ўта машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатингиз эвазига 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак пахта хирмони бунёд этиб, шартнома мажбуриятингизни адо этганингиз билан самимий табриклашдан, чин қалбимдан ҳурмат ва эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.*

*Пахта ўстиришнинг ўзи ҳар қайси деҳқон, фермер ва мутахассисдан нақадар мураккаб ва оғир меҳнатни, чуқур билим ва тажрибани, она еримизга меҳрини бериб, тупроқ билан тиллашиб яшашни, лўнда қилиб айтадиган бўлсак, кундалик фидойиликни талаб қилишини бутун элимиз, халқимиз яхши билади ва бу йилги мавсумда қўлга киритган зафарларингизни юксак баҳолайди, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.*

*Халқимизда, деҳқон учун осон йилнинг ўзи бўлмайди, деган теран маъноли ибора бор. Бу йилги мавсум бу фикрни яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқда. Баҳор фаслида ҳаво ҳароратининг одатдагидан нисбатан паст бўлгани, чигитнинг униб чиқиши 8-10 кунга кечиккани, айрим ҳудудларда ғўзани сел ва дўл уриб кетгани, турли касаллик ва зараркунандалар кўпайгани, ёздаги сув танқислиги, кузнинг анча эрта ва салқин келгани деҳқон ва фермерларимиз учун жиддий қийинчиликлар туғдирди.*

*Жорий мавсумнинг мана шундай ноқулай ва мураккаб келишига қарамасдан, биринчи навбатда кўп йиллар давомида тўпланган тажриба ва замонавий агротехникани самарали қўллаганимиз, шулар қаторида ўз вақтида ғўзани «шарбат» усулида суғориб, маҳаллий ўғитнинг орттириб берилгани, олим ва мутахассисларнинг тавсия ва маслаҳатлари туфайли, қандай оғир бўлмасин, ҳосилни сақлаб қолишга эришганимиз, бир сўз билан айтганда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардлиги ва матонати, ташаббускорлиги бу йилги ютуғимизнинг қадр-қимматини янада оширади.*

*Шу маънода, бугунги юксак хирмонни бунёд этишда ўзини аямасдан, жонбозлик кўрсатиб, айтиш мумкинки, қаҳрамонона меҳнат қилган фермер ва деҳқонларимизга ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорчилик изҳор этиб, уларга таҳсин ва тасаннолар билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб ҳисоблайман.*

*Азиз дўстлар, муҳтарам юртдошлар!*

*Ҳеч кимга сир эмас, юртимиз далаларида етиштириладиган ҳосилнинг, хусусан, пахта хомашёсининг тақдири биринчи навбатда ер унумдорлигига бевосита боғлиқ. Айни вақтда деҳқончиликда ҳар қайси экин майдони, ҳар қандай тупроқ унумдорлигининг ҳам чегараси борлигини унутмаслигимиз керак.*

*Шу боис барчамизни боқадиган она заминимизнинг келажагини ўйлаб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича қабул қилган давлат дастури доирасида амалга оширган улкан ишларимиз қишлоқ хўжалигида қандай катта бурилиш ясаганини бугун кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин. Ўтган 6 йил давомида мамлакатимиз бўйича 1 триллион 300 миллиард сўм маблағ ҳисобидан 1 миллион 750 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Фақатгина кейинги икки йилда пахтачилик бўйича ҳосилдорлик 24 центнердан 26,5 центнерга ошгани ана шундай кенг кўламли ишларимизнинг муҳим натижаси бўлди, десак, янглишмаган бўламиз.*

*Охирги йилларда мамлакатимизда янги ғўза навларини яратиш, селекционер олимларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли 100 дан ортиқ янги навлар яратилгани, уларнинг 27 таси давлат реестрига киритилиб, амалда жорий этилаётгани ушбу тармоқнинг изчил ривожланиб бораётганидан далолат беради.*

*Шу билан бирга, эътироф этишимиз кераки, бугунги кунда Ўзбекистон шароитида ҳар қайси вилоят ва туман учун мос келадиган, серҳосил, юқори сифатли тола берадиган, эртапишар ғўза навларини чиқариш ва районлаштириш энг долзарб, ечимини барча деҳқонларимиз орзиқиб кутаётган муаммо бўлиб қолмоқда. Ана шу муҳим масалани ҳал этиш аввало мутасадди олимлар, селекция соҳасида ишлаётган мутахассисларнинг асосий вазифаси эканини яхши биламиз ва улардан бундай ғўза навларини тезроқ яратишларини кутамиз.*

*Бу йилги мавсум давомида биз дуч келган мураккаб синов ва қийинчиликларни бартараф этишда интенсив агротехнологиялардан оқилона фойдаланиб, ғўза қатор оралари ҳар йилгидан 4-5 марта кўп, ўртача 12 мартадан зиёд сифатли культивация қилингани, гектарига 5 тоннадан, жами 13 миллион тоннадан ортиқ маҳаллий ўғит берилгани алоҳида аҳамият касб этди.*

*Бугун барчамизга аён — биз қўлга киритаётган ютуқ ва марраларнинг асосий гарови ва ҳал қилувчи кучи бўлмиш фермерлик ҳаракатининг олдида турган муаммоларни ечиш, унинг қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш, қишлоқ ҳаётидаги ролини кучайтириш бўйича олиб бораётган ишларимиз аввало бу йилги мавсумни уюшқоқлик билан ўтказишда, етиштирилган мўл ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмасдан йиғиб-териб олишда мустаҳкам замин туғдирди, десак, ҳар томонлама ўринли бўлади.*

*Бунинг яққол тасдиғини республикамиз пахта хирмонининг қарийб 90 фоизи юқори сортларга топширилгани ҳам исботлаб беради.*

*Нафақат қишлоқ хўжалиги, балки иқтисодиётимизнинг барча соҳа ва тармоқларида эришаётган марраларимиз авваламбор халқимизга хос меҳнатсеварлик, мардлик ва матонат каби фазилатларда, ҳаёт ўзгариши билан одамларимизнинг онгу тафаккури тобора ўзгариб, уларнинг ўз ерига эгалик, масъулият ва дахлдорлик туйғуси, ўз меҳнатидан манфаатдорлик ҳиссиёти ортиб бораётганида намоён бўлмоқда ва халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.*

*Мана шу қувончли айёмда ўз шартнома мажбуриятларини биринчилардан бўлиб адо этган Андижон вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Хоразм, Бухоро вилоятлари, барча вилоятларимиз меҳнаткашлари мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига муносиб ҳисса қўшганини миннатдорлик билан таъкидлашни истардим.*

*Айниқса, Амударё, Элликқалъа, Олтинкўл, Пахтаобод, Балиқчи, Пешку, Олот, Муборак, Яккабоғ, Қизилтепа, Навбаҳор, Наманган, Нарпай, Қумқўрғон, Бешариқ, Қува, Гурлан, Хонқа, Хива туманлари деҳқон ва фермерлари белгиланган режани қисқа фурсатда, 20-25 кунда бажариб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлгани таҳсинга лойиқдир.*

*Бухоро туманидаги «Ислом Нарзиобод», Жондор туманидаги «Жонибек Фарҳод», Арнасой туманидаги «Сангзор», Дўстлик туманидаги «Эшниёз бобо», Миришкор туманидаги «Камалак», Шаҳрисабз туманидаги «Умида она ўғли», Навбаҳор туманидаги «Арслон бобо», Кармана туманидаги «Авез бобо», Пахтачи туманидаги «Мирзаев Шуҳрат», Қумқўрғон туманидаги «Мунчоқтепа истиқболи», Бекобод туманидаги «Комилжон», Ҳазорасп туманидаги «Ғофур Руҳия», Хонқа туманидаги «Мадир Хонқа» сингари ҳосилдорликни гектаридан 45-52 центнерга етказиб, юксак натижаларга эришган илғор фермер хўжаликларига самимий ташаккур билдираман.*

*Шулар қаторида фидокорона меҳнат қилиб, катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлган фермер ва деҳқонларимизга, Ватанимизнинг улкан хирмонига муносиб ҳисса қўшган барча-барча инсонларга «Балли сизга, азизларим!» деб, уларни чин қалбдан табриклаш менга катта хурсандчилик бағишлайди.*

*Муҳтарам дўстлар!*

*Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг пахтачилик соҳасида етакчи мамлакатлардан бири сифатидаги обрўйи ва нуфузи тобора ортиб бораётгани айниқса эътиборлидир.*

*Яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган ўнинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида 50 га яқин давлатдан дунё бозорида ном қозонган 1000 дан зиёд йирик фирма ва компанияларнинг вакиллари иштирок этиб, деҳқонларимизнинг пешона тери билан етиштирилган пахта толасига, авваламбор, унинг юксак сифатига катта қизиқиш билдиргани ҳам шундан далолат беради.*

*Маълумки, 90-йилларда юртимизда етиштирилган жами пахта толасининг атиги 7 фоизи ўзимизда қайта ишланар эди. Ўтган қисқа даврда бу борадаги кўрсаткич 6 баробардан зиёд кўпайгани ҳамда бугунги кунда 44 фоизни ташкил этиб, чет мамлакатларга сотилаётган пахта толасига яна қўшимча қиймат қўшишга имконият яратаётгани шу йўналишда узоқни кўзлаб олиб бораётган ишларимизнинг амалий самарасидир.*

*Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, жорий йилда пахтачиликдан олинадиган ялпи даромад ўтган йилга нисбатан 12 фоиз ёки 400 миллиард сўмдан ортиши кутилмоқда. Бу йил пахта хомашёсини юқори сортларга сотишнинг ўзидан фермер хўжаликлари 200 миллиард сўмдан зиёд қўшимча даромад олишга муваффақ бўлишди. Бунинг ҳисобидан биз деҳқон ва фермерларимизнинг, қишлоқ аҳлининг даромадларини оширишга, кўзлаган эзгу марраларимизга етиш, эл-юртимизни янада обод ва фаровон бўлишига эришамиз, иншооллo.*

*Азиз ва муҳтарам ватандошларим!*

*Мана шундай хурсандчилик кунларда барчангизни мамлакатимиз тараққиёти йўлида қўлга киритилган катта меҳнат ғалабаси билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.*

*Эл-юртимиз, хонадонларимиздан файзу барака, тинчлик-осойишталик аримасин!*

*Яратганимизнинг ўзи барчамизга доимо мададкор бўлсин!*

*Ҳеч қачон кам бўлманг, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, қадрдонларим!*

***Ислом КАРИМОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Президенти***

# УЛКАН ЗАФАР МУБОРАК!

***Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги кенг нишонланган жорий йилда пахтакорларимиз 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, шартнома мажбуриятини ошириб бажарди.***

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, фермер хўжаликларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб, ерга муносабатнинг ўзгаргани миришкорларимиз муваффақиятида муҳим омил бўлди.

Пахтадан мўл ҳосил етиштириш замирида заҳматкаш, ишнинг кўзини биладиган, азму шижоатли бободеҳқонларнинг машаққатли меҳнати мужассам. Жорий йилда ҳам сермаҳсул, зараркунанда ва касалликларга чидамли, иқлим шароитимизга мос ғўза навлари экилиб, агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йилда ғўза навларини жойлаштириш ва пахта етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисидаги қарорига асосан майдонларда иқлим шароитимизга мос, ингичка ва ўрта толали ғўза навлари парваришланди. Далаларга ғўзанинг «Бухоро-6», «Бухоро-102», «Султон», «Наманган-77», «С-6524», «Ибрат», «Меҳнат» каби эртапишар, саноатбоп, серҳосил, жаҳон пахта бозорида харидоргирлиги билан ажралиб турадиган навлари экилди. Натижада тажрибали деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати эвазига сифатли пахта хомашёси тайёрланди.

Далалар тежамкорлик билан суғорилди, ғўза қаторларига меъёрида ишлов берилди. Хизмат кўрсатувчи ва таъминот ташкилотлари билан шартнома асосида иш олиб борилгани боис минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини етказиб беришда узилишлар бўлмади.

Мамлакатимизда аграр соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасида Ўзбекистон пахтасининг юқори сифати жаҳонда кенг эътироф этилиб, тўқимачилик маҳсулотларимизга хорижда талаб тобора ортмоқда. Жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари Тошкентда ўтган X халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида бу яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Ярмаркада 580 минг тонна пахта толасини сотиб олиш бўйича шартномалар имзоланди. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 1 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган шартномалар тузилди.

Мустақиллик бизга пахта хомашёсини сўнгги босқичгача қайта ишлаш имконини берди. Мисол учун, кейинги йилларда енгил саноатга 2 миллиард доллар миқдорида инвестициялар жалб этилди. Сингапур, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Япония, АҚШ, Европа Иттифоқи ва МДҲ мамлакатлари ҳамда бошқа давлатларнинг сармоядорлари иштирокида янги корхоналар қуриш ва мавжудларини модернизация қилиш бўйича икки юздан зиёд лойиҳа амалга оширилди.

Бугунги деҳқон – ер эгаси, тадбиркор. У етиштираётган пахта хомашёсини қайта ишлашни йўлга қўйиб, қишлоққа саноатни олиб кирмоқда, аҳоли бандлигини таъминлаш, фаровонлигини оширишга фаол ҳисса қўшаётир. Мўл ҳосил етиштираётган тажрибали, илғор фермерлар сафи йил сайин кенгаймоқда.

Жорий мавсумда пахта далаларида «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган МХ-1,8 модернизацияланган пахта териш машиналари иштирок этгани соҳадаги илғор ютуқлардандир. Фойдаланиш жуда қулай, ҳосилнинг 90 фоизигача тўлиқ тера оладиган машиналар фермерларга маъқул бўлмоқда. Бу йилги мавсумда пахта далаларида 1200 дан зиёд ана шундай машина пахтакорлар оғирини енгил қилиб, ҳосилнинг салмоқли қисмини теришда муҳим роль ўйнади.



ЎзА олган сурат

Давлатимиз раҳбари томонидан фермерлар меҳнатини рағбатлантиришга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳосил салмоғининг кўпайишида муҳим омил бўлаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 5 августдаги «Давлат эҳтиёжлари учун пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини бажарган фермер хўжаликларига контрактация шартномасидан ортиқча топширилган пахта хомашёсини қайта ишлашдан олинган пахта шроти (кунжараси) ва пахта чигити шелухасини сотиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори ижроси доирасида пахтачилик билан шуғулланувчи 12 мингдан ортиқ фермер хўжалигига пахта шроти ва шелухаси берилди. Юқори ҳосилдорликка эришган 1200 фермер хўжалиги бир қатор имтиёзлардан фойдаланмоқда.

– Мамлакатимиз фермерлари қилган меҳнатига яраша даромад олаётир, – дейди Кармана туманидаги «Авез бобо» фермер хўжалиги раҳбари Қаҳрамон Рўзиев. – Бу йил 60 гектарда «Бухоро-6» навини етиштириб, биринчи теримдаёқ шартнома мажбуриятини адо этдик ва 285 миллион сўм даромад қилдик. Қишлоқ аҳли учун замонавий шароит яратиб бераётган Президентимиздан беҳад миннатдормиз.

Пахтакорларимизнинг бу улкан ғалабаси Ватанимиз иқтисодий қудратини, халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

**(ЎзА)**

## Сайлов — 2014

# ШАҲАР САЙЛОВ КОМИССИЯСИ СЕМИНАРИ

***Куни кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси томонидан округ сайлов комиссиялари раислари ва котиблари учун семинар ташкил этилди.***

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 60 та округ сайлов комиссиялари раислари ва котиблари иштирок этди. Семинар ишида асосий эътибор сайлов комиссиялари раислари ва котибларининг миллий сайлов қонунчилиги ва уни амалда қўллаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича комиссиялар фаолиятини тўғри ташкил қилиш, улар олдида турган долзарб вазифалар, шунингдек, сайлов комиссияларини молиялаштириш тартибига қатъий риоя этиш тўғрисида хабардорлигини янада оширишга қаратилди. Семинарда жорий йилнинг 21 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига бўлиб ўтадиган сайловлар миллий сайлов қонунчилиги, унда мустаҳкамланган очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик принципларига, шунингдек, шаҳар Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурига тўлиқ мувофиқ равишда ташкил этилиши ва ўтказилиши таъкидланди. Бўлажак сайлов жамиятимизни изчиллик билан либераллаштириш ва демократлаштириш жараёни давомида яратилган янги шароитларда ўтказилиши алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, округ сайлов комиссияларининг асосий вазифаси сайловни демократик принциплар, амалдаги қонунчилик норма ва қоидаларига асосан адолатли, очиқ ва ошкора ўтказишни таъминлашдан иборат экани таъкидланди. Комиссиялар ўз фаолиятида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни юксак савияда ўтказиш борасида қонун талабларига қатъий риоя этиши, округ сайлов комиссияларининг мустақиллигини ва ўз фаолиятини амалдаги қонунга мувофиқ равишда амалга оширишини таъминлаш каби муҳим масалаларга эътибор қаратилди.

Семинарда шаҳар сайлов комиссиясининг раиси Ф. Маҳмудхўжаевнинг «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларида ташкилий жараёнларнинг бориши тўғрисида»ги, шаҳар сайлов комиссиясининг котиби И.Бековнинг «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округларида иш юритишни ташкил этиш тўғрисида»ги ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг сайловларга бағишланган ахборотлари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурида замонавий демократик талаблар инобатга олингани ҳолда, сайлов жараёни ташкилотчилари ва иштирокчиларининг муҳим вазифалари белгиланган ҳақида ҳам сўз юритилди. Хусусан, айни пайтда сайлов қонунчилиги қоидалари ва унга киритилган ўзгартишларни фуқароларга кенг тушунтириш, уларнинг бўлажак сайловларга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўрилаётгани тўғрисида хабардорлигини янада ошириш лозимлигининг ўта муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. — Бўлажак сайловлар жамиятимизни янада демократлаштириш борасидаги навбатдаги муҳим қадам бўлади, — дейди 40-Қатортол округ сайлов комиссияси раиси Равшан Аҳмедов — Сайловни юксак савияда ташкил этишда округ сайлов комиссиялари зиммасига катта масъулият юкланган. Мазкур семинарда иштирок этиб, биз округ сайлов комиссиялари фаолиятини талаб даражасида йўлга қўйиш, участка сайлов комиссиялари ишларини тўғри ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, сайловолди ташвиқоти жараёнида тенглик принципларига риоя этиш бўйича барча талаблар билан танишдик. Шунингдек, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш тартиби, сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш ҳамда бошқа кўплаб масалалар бўйича ўз малакамизни оширдик. Буларнинг барчаси бизга сайловларга қонунчилик ва демократия принципларига тўла мувофиқ равишда тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказишга доир ишларни ташкил этишга ёрдам беради.

Семинарда округ сайлов комиссиялари раислари ва котибларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб берилди ва бўлажак сайловларни уюшқоқлик билан ўтказиш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Шаҳар сайлов комиссиясининг Матбуот хизмати**

# ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўттиз тўққизинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларидан келиб чиққан ҳолда «Участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни тавсия этиш» масаласи кўриб чиқилди.***

Унда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-16-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 653 та участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни Тошкент шаҳрида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларига тасдиқлаш учун тавсия этиш масаласи кўриб чиқилди.

Маълумки, мамлакатимизда 2014 йилнинг 21 декабрида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларни юксак савияда ўтказиш борасида кенг қамровли ташкилий-тадбирий ишлар олиб борилмоқда.

Марказий сайлов комиссияси томонидан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» Социал-демократик партиясига парламент сайловида иштирок этишларига ижозат берилди.

Марказий сайлов комиссияси шаҳар ҳокимлигининг таклифларини кўриб чиқиб, Тошкент шаҳри бўйича Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи сайлов округларини тузиш тўғрисида қарор қабул қилди. Сайлов округларининг рўйхати уларнинг номлари, тартиб рақамлари, чегаралари ва сайловчилари сони кўрсатилгани ҳолда матбуотда эълон қилинди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳри бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 12 та округ сайлов комиссияларини тузиш ва уларнинг шахсий таркибини тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Округ сайлов комиссиялари раис, раис ўринбосари, комиссия котиби ва олти нафар бошқа аъзосидан иборат таркибда тузилди. Тошкент шаҳри бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг таркиби жорий йилнинг 10 октябрида «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинди.

Шаҳар сайлов комиссиясининг 2014 йил 20 октябрда қабул қилган «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов участкалари тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан 653 та сайлов участкаларини маълум чегараларда тузиш ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрдаги қарорига асосан, сайлов участкаларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказиш учун ягона ҳисобланиши белгиланган.

Тошкент шаҳри бўйича ташкил этилган сайлов участкаларининг тартиб рақами, манзили ҳамда чегаралари кўрсатилган рўйхат «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг 2014 йил 22 октябрь сонида эълон қилинди.

Қонунга кўра, участка сайлов комиссияси участка бўйича сайловчилар рўйхатини тузиш, сайловчиларни сайловчилар рўйхати билан таништириш, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш, рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш, сайлов куни ўз турар жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан сайлов конвертларини қабул қилиб олиш, аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этиш, овоз бериш бинолари ва сайлов қутилари ҳамда бошқа сайлов ашёлари тайёрлаб қўйилишини таъминлаш, сайлов куни сайлов участкасида овоз беришни ташкил этиш, сайлов участкасида берилган овозларни ҳисоблаб чиқиш, сайловга тайёргарлик кўриш ва овоз беришни ташкил этиш масалалари юзасидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш ваколатларини амалга оширади.

Барча округ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланди. Қонунга кўра, комиссиянинг аъзоси шахсан берган аризасига мувофиқ, шунингдек, ваколатларидан маҳрум этилган тақдирда ўз вазифасини бажаришдан озод қилиниши мумкин. Комиссия аъзосини ваколатларидан маҳрум этиш ҳуқуқи комиссияни тузган органга тегишли бўлиб, комиссия аъзоси ушбу Қонун талабларини бузган ёки ўз вазифаларини мунтазам равишда эътиборсиз қолдириб келган тақдирда ваколатларидан маҳрум этилади. Зарурат бўлганда сайлов комиссиясининг янги аъзоси ушбу Қонунда белгиланган тартибда тайинланади. Сайлов комиссиясининг раиси, раис ўринбосари, котиби ва бошқа аъзолари сиёсий партиянинг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Сессия кун тартибидаги масала муҳокамаси жараёнида участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодларнинг айнан ушбу меъёрлар асосида танлаб олингани таъкидлаб ўтилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 653 та участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодлар рўйхатини тегишли равишда 124-Оқтепа, 125-Дархон, 126-Темирйўлчилар, 127-Қорақамиш, 128-Саноат, 129-Дўмбиробод, 130-Бодомзор, 131-Астробод, 132-Тўқимачи, 133-Кўкча, 134-Қўйлиқ ва 135-Шайхонтоҳур округ сайлов комиссияларига тасдиқлаш учун тавсия этиш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинди.

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ДОЛЗАРБ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор долзарб қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Мажлис янги таҳрирдаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокама қилишдан бошланди. Бу ҳужжатнинг асосий ғояси молия бозорида ва умуман иқтисодиётда қимматли қоғозларнинг роли ва аҳамиятини оширишдан, шунингдек, унинг рақобатбардошлигини таъминлашдан иборатдир. Ушбу мақсадга эришиш учун қонун лойиҳасида замонавий ахборот технологияларига ўтиш орқали республика фонд бозорини модернизация қилиш, шунингдек, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича энг яхши жаҳон тажрибасини мамлакатимизда татбиқ этиш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида унга масъул бўлган Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси ишчи гуруҳининг бир қанча йиғилишларини ўтказди. Унда барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари, қатор вазирликлар ва идоралар мутахассислари, шунингдек, экспертлар иштирок этдилар. Қонун лойиҳасининг барча моддаларини ҳар томонлама муҳокама этиш чоғида мазкур ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқилди. Ҳужжат Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинди.

Шундан сўнг депутатлар «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳасида кредиторлар томонидан киритилган маблағларни қайтариш кафолатини кучайтириш мақсадида корхона банкрот деб эътироф этилганда кредиторларнинг талабларини қондириш навбати тартибига ўзгартириш киритиш орқали бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдидаги талаблар билан кредиторларнинг гаров билан таъминланмаган талабларини мутаносиб равишда қондириш назарда тутилган.

Депутатлар моддама-модда муҳокама қилиш чоғида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда юқорида кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳаларини узил-кесил таҳрирда қабул қилиш учун тайёрлаб, маромига етказиш мақсадида масъул қўмитага топширдилар.

Мажлис кун тартибига биринчи ўқишда иккита янги қонун лойиҳаси киритилди. Депутатлар «Мамлакатда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитининг янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасига катта эътибор қаратдилар. Ушбу қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш тартиб-таомиллари мураккаблашувини ҳамда тадбиркорлик субъектларининг зиммасига янги мажбурият ва жавобгарлик юкланишини назарда тутувчи қонун ҳужжатлари улар расман эълон этилган кундан бошлаб уч ойдан кам бўлмаган муддатда кучга кириши белгилаб қўйилмоқда. Давлат органлари тадбиркорлик фаолияти субъектларига уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахлдор қонун ҳужжатлари, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши шарт. Ахборотдан фойдаланиш қонун ҳужжатлари ва тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш ва тарқатиш орқали таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 15 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ижро этиш мақсадида ишлаб чиқилган айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тадбиркорликни ривожлантиришга, бизнес юритиш учун қулай шарт-шароит яратишга қаратилган яна бир муҳим ҳужжатдир. Жумладан, ушбу қонун лойиҳасида лицензиялаш ва рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатлар бериш механизмларини янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

Депутатларнинг фикрича, ушбу қонун лойиҳаларининг қабул қилиниши тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш, тадбиркорлик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини кучайтириш учун қулайроқ шарт-шароит яратиб бериш ҳисобига мамлакатимизда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, ишбилармонлик иқлимини тубдан яхшилаш йўлида жиддий қадам бўлади.

Депутатлар муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда ушбу қонун ҳужжатларининг асосий қоидаларини маъқулладилар ва уларни биринчи ўқишда қабул қилдилар. Ҳужжатларни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул қўмиталарга топширилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати**

Реклама ўрнида

2014 йил — Соғлом бола йили

# БОЛАЛАР ЧЕҲРАСИДАГИ ТАБАССУМ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

***Жажжи Инобат тўрт ёшида оққон касалига дучор бўлди. Боланинг ота-онаси касалликнинг олдини олиш мақсадида қўлидан келган чораларни қўллади. Яқинларининг маслаҳатларига кўра Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот маркази мутахассисларига мурожаат қилишди. Улар қизалоққа барча керак бўлган ёрдамни кўрсатишди.***





Айтиш жоизки, бу ерда даволанаётган беморларга мамлакатимизнинг турли корхона ва ташкилотлари томонидан ёрдам берилади. Яқинда Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг гемопоэтик ўзак ҳужайралари билан даволаш марказида «Ucell» – саломатлигингиз ҳимоясида!» номли тадбир ўтказилди.

Тадбир давомида компания вакиллари қуриб битказилган буғ қозонхонасини кўздан кечиришди. У замонавий стандартлар асосида ўрнатилган бўлиб, биронтасининг фаолияти тўхтаб қолса, унинг ўрнига бошқаси ишга тушади. Шундай аснода қозонхонанинг жиҳозлари бетўхтов ишлайди. Бу эса беморлар даволанаётган хоналарнинг доимо иссиқ бўлишининг асосий гаровидир. Бундан ташқари, кимёвий терапия усули ёрдамида даволанаётган беморлар учун қулайлик яратиш мақсадида қишки мавсумда ҳаво доимо махсус фильтрдан ўтказилади.

Беморлар олдига фақатгина белгиланган вақтда кириш мумкин. Бундай тартибга риоя қилиш уларнинг соғлиғини тиклашда катта аҳамиятга эга. Бинобарин, беморларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида «Ucell» компаниясининг ходимлари янги блокнинг педиатрик бўлимида болалар хонасини компьютер билан жиҳозлашди. Улар барча ёшдаги болаларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи дастурлар билан таъминланган. Бу ерда болалар пластилиндан ранг-баранг нарсалар ва турли шаклларни ясашлари, расмлар чизишлари ва кадама наққошлик билан шуғулланишлари мумкин. Бунинг учун бу ерда турли қаламлар ва бўёқлар мавжуд. Ҳар бир бола бу ерда истаган нарсаси билан шуғулланади. Кимдир ўйинчоқ ўйнайди, бошқа бири компьютер билан машғул. Бир сўз билан айтганда, болалар хонаси чинакамига «яхши кайфият ҳудуди»га айланган.

Инобат бу ерда онасининг расмини чизишни жуда яхши кўради. Шифокорларнинг фикрича, турли ўйинлар қизчани касалдан чалғитар экан. Бу эса ижобий натижаларга эришишга замин яратади.

– Бизнинг компаниямиз Ўзбекистон аҳолисига сифатли уяли алоқа хизматларини кўрсатиш билан бирга қатор ижтимоий масалаларни ҳал этишда ҳам иштирок этади, – дейди «Ucell» компаниясининг корпоратив алоқа масалалари бўйича раҳбари Родика Вербенюк. – Бундай дунёқарашни Telia Sonera халқаро компаниялар гуруҳи тўла равишда қўллаб-қувватлайди. Биз таълим соҳаси ривожи, спорт ва умуман, ёш авлоднинг баркамол тарзда вояга етишига катта аҳамият берамиз. Бу каби лойиҳалар соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини яхшилашга, инсонларнинг саломатлигини асрашга қаратилгандир. Болалар ва ота-оналарнинг қувончи, уларнинг чеҳрасидаги табассум – ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайдиган бойлик, бу – бизнинг асосий мақсадимиз.

Таъкидлаш жоизки, «Ucell» компаниясининг соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаси аввалги йилдан буён амалга ошириб келинмоқда. Биринчи навбатда бу ерга тиббий жиҳозлар келтирилган эди. Ҳозир эса инфузоматлар, яъни интенсив терапия ва анестезияда қўлланиладитган махсус насослар ишга туширилган. Улар ёрдамида тромбозларнинг олдини олиш ва оғриқсиз даволаш мумкин. Бундай усул болаларни даволашда қўл келади. Даволаниш даврида улар ўйнашлари ва ўқишлари мумкин.

– Кўрсатилаётган ғамхўрлик учун биз «Ucell» компаниясига самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз, – дейди Гематология ва қон қуйиш илмий-тадқиқот институтининг раҳбари Аълонур Саидов. – Келтирилган асбоб ва ускуналар, жиҳозланган болалар хонаси даволаш жараёнининг сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда. Ишонаманки, биз келажакда ҳамкорликни янада ривожлантириб бораверамиз. Бу эса даволашнинг янги усулларини ихтиро қилиш ва ҳаётга татбиқ этилишини талаб қилади. Биз томонимиздан қўлланилаётган гемопоэтик ўзак ҳужайралари билан даволаш усули юқори самарали эканлиги амалда исботланди. Жаҳон тиббий марказларида тайёргарлик кўрган, етакчи мутахассислар назорати остида олтита оператив даволаш (жарроҳлик амалиёти) амалга оширилди. Тез орада марказимизда 80 ўринли, онкогемофилияни даволаш муассасаси ва реанимация бўлими очилади. Бу муассасаларда тозаланган ҳавони узатиш тизими жорий этилади. Болалар учун эса ўйин автоматлари ўрнатилади. Энг муҳими, «Ucell» компаниясининг ёрдами билан биз болаларимизнинг саломатлигини тиклаяпмиз, уларга бахт ва қувонч бағишлаяпмиз.

**Дилмурод НУРМАТОВ**

***Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислоҳ этиш борасида белгилаб берилган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

# АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари масъул ходимлари, соҳага оид олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Журналистлар ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар жамиятимизнинг барча жабҳалари қатори оммавий ахборот воситалари фаолиятини ҳам изчил ривожлантириш, ушбу тизимда замонавий технологиялардан фойдаланиш кўламини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини эркин ривожлантириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ўндан зиёд қонунчилик ҳужжатлари бу борада муҳим дастуруламал бўлаётир. Истиқлол йилларида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларни демократик ислоҳотларнинг тарғиботчисига айлантириш бўйича ўзига хос тажриба тўпланди. Соҳадаги тизимли чора-тадбирлар самарасида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора ўсиб, улар таркибида фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари салмоқли ўринни ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган муҳим вазифалардан келиб чиқиб, 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун ахборот соҳасини янада ислоҳ этиш, жамиятимизда демократик ислоҳотларни ривожлантириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида яна бир муҳим қадам бўлди.

Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлар изчил давом эттирилаётир. Хусусан, мамлакатимиз парламенти қуйи палатаси томонидан «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги янги қонунлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама этилаётир.

Мазкур қонунлар қабул қилиниши соҳага бозор иқтисодиёти механизмларини жорий этиш, рақобат муҳитини кучайтириш, ОАВларнинг иқтисодий эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш, жамоатчиликни тезкор, холис ахборот билан таъминлаш, демократик принципларга асосланган ҳолда ОАВни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун зарур шароитларни яратишда муҳим ҳуқуқий асос бўлади.

Тадбирда ахборот соҳасини ислоҳ этиш ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш истиқболлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятига оид қонунларнинг ижро механизмини кучайтириш масалаларига оид маърузалар тингланди.

**Б.ХИДИРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежида «Одам савдосига қарши курашиш ва унинг олдини олиш» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.***

Тадбирлар

# ОДАМ САВДОСИ — ДАВР МУАММОСИ

Ушбу тадбир Юнусобод тумани ҳокимлиги ҳузуридаги «Одам савдосига қарши курашиш» бўйича туман комиссияси томонидан туман Хотин-қизлар қўмитаси, туман Ички ишлар бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, «Истиқболли авлод» ташкилоти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастури, хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда Одам савдосига қарши курашишнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтиришга қаратилган «Одам савдоси давр муаммоси» тарғибот лойиҳаси Концепцияси ижроларини таъминлаш, ёш авлоднинг жаҳон ва мамлакат микёсидаги сиёсий жараёнларга мустақил ва онгли муносабатини шакллантириш, фаол фуқаролик, фидойилик ва ватанпарварлик туйғусини камол топтириш мақсадида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мазкур коллеж ўқитувчилари, ўқувчи-ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

— Ташкил этилган тадбир давомида ёшларни ҳушёрлик ва огоҳликка даъват этиш, юрт тинчлиги, осойишталигига рахна соладиган, уларнинг иймон-эътиқодига путур етказадиган ҳар қандай ғоя ва тушунчага нисбатан курашчанлик муҳитини яратиш муҳимлиги ҳақида батафсил тушунтириб ўтилди, — дейди Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежи директори Абдувакқос Назаров. — Мамлакатимизда мавжуд ҳар қандай хавф-хатарнинг олдини олиш чораларини кўришда таълим муассасалари ўқувчиларининг ўзлигини англаш, мустақил, онгли фикрлашга ўргатиш, уларнинг тафаккурида бўшлиқ вужудга келмаслигида бу каби учрашув, давра суҳбатларининг аҳамияти катта.

Тадбир давомида Юнусобод туман ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси в.в.б. Нигора Абдураҳимованинг «Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш», Республика Маънавият тарғибот маркази эксперти Жамила Шермуҳамедованинг «Ҳозирги замон ёшларининг одам савдосига қарши курашдаги роли», «Истиқболли авлод» ташкилоти мутахассиси Шоҳида Қосимованинг «Одам савдоси – давр муаммоси» мавзуларидаги маърузалари тингланди. Шу билан бирга Тошкент радиотехника касб-ҳунар коллежининг битирувчи ўқувчилари мазкур иллат борасидаги фикрларини тенгдошлари билан ўртоқлашди. Мавзуга оид слайд ва деворий газеталар кўрсатилди.

Дунё мамлакатларида одам савдосига қарши кураш масаласига жиддий эътибор қаратилаётган бир пайтда юртимизда ҳам шундай кенг қамровли тушунтириш ишлари амалга оширилмоқда. Барчамиз миллатимиз ғурури, қадр-қимматини топтайдиган, тинч-осойишталигига хавф соладиган иллатдан огоҳ бўлайлик.

**Зиёда РАСУЛОВА**

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Сайловларни ёритиш бўйича Самарқанд вилояти матбуот марказида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Тадбирда вилоятда жорий йилги сайловларга тайёргарликнинг бориши ҳақида маълумот берилди.**

**● Термизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Тадбиркор аёл» ишбилармон аёллар уюшмаси ҳамкорлигида аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, уларда кичик бизнес субъектлари ва корхоналарини самарали бошқариш кўникмасини шакллантиришга бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.**

**● Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги «Жайҳун – Аҳмад» масъулияти чекланган жамияти қошида силикат ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона иш бошлади. Тадбиркор Бахтиёр Аллантаевнинг ташаббуси билан ташкил этилган корхона йилига 3 миллион дона сифатли силикат ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга. Мазкур лойиҳа банкдан олинган 70 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳамда тадбиркорнинг 53 миллион сўмлик ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилди.**

**● Сирдарё вилояти Ширин шаҳридаги 3-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Замонавий архитектура талаблари асосида қурилган санъат даргоҳи миллий ва классик мусиқа асбоблари, компьютерлар, машғулотлар учун зарур жиҳозлар билан таъминланди. Синфхоналар деворларига дунё стандартларига мос овозютгич қатлам ўрнатилгани товуш сифатини ошириб, шовқинли акс-садо пайдо бўлишининг олдини олади.**

## ЖАҲОНДА

**● Бразилиянинг амалдаги президенти Дилма Руссеф бўлиб ўтган президент сайловларида яна тўрт йиллик муддатга иккинчи бор давлат раҳбари этиб сайланди. Сайлов комиссияси маълумотларига кўра, президент сайловларининг иккинчи турида уни ёқлаб сайловчиларнинг 51,5 фоизи овоз берган.**

**● Эбола безгагининг жаҳон мамлакатлари бўйлаб кенг тарқалиши кузатилмоқда. Жумладан, «Чегара билмас шифокорлар» ташкилоти сафларида ушбу хавфли касаллик билан курашиш мақсадида бир ой давомида Гвинеяда бўлган ва ҳозирда Нью-Йоркдаги касалхонага ётқизилган АҚШлик ўттиз уч ёшли шифокор Крейг Спенсерга ҳам Эбола безгаги ташҳиси қўйилди. Шунингдек, қўшни Гвинеядан Малига келган икки ёшли қизчада ҳам Эбола безгаги қайд этилди. Бу Малидаги безгакнинг дастлабки ҳолатидир. Ҳозирда жаҳоннинг ўттиз беш мамлакати ушбу безгакка қарши биргаликда курашмоқда. Мазкур давлатлар 690 миллион долларлик маблағни ажратишни режалаштиришди.**

**● Аргентиналик машҳур футбол юлдузи Диего Марадона ўз қўл остидаги ёрдамчилари фаолиятининг молиявий жиҳати устидан аудиторлик текширувини ўтказиш учун буюртма берди. Марадонанинг фикрига кўра, атрофидагилар фирибгарлик йўли билан унинг йигирма миллион долларини ўзлаштириб юборишган.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**АТБ «Қишлоқ Қурилиш Банк»нинг «Тошкент қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖ корхонаси**

**Манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уйда жойлашган, тел: 8-371-296-77-93, факс 8-371-296-88-42, электрон почта: k.k.s @inbox.ru.**

АТБ «Қишлоқ Қурилиш Банк» балансидаги «Тошкент қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖ шаклидаги металл тунука том ёпғич ва ёғочни қайта ишлаш корхонаси Устав фондидаги банк улушини қайта Танлов савдолари орқали сотилишини эълон қилади.

Корхона Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уйда жойлашган.

Корхона Устав фондидаги банк улушининг бозор қиймати **7.503.948.000,0 (Етти миллиард беш юз уч миллион тўққиз юз қирқ саккиз минг) сўм**ни ташкил этади.

**Танлов савдоларига:** танлов ҳужжатлари танлов савдолари матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб 10 кун давомида АТБ «Қишлоқ Қурилиш Банк»нинг «Тошкент қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖ корхонасида қабул қилинади. Танлов ҳужжатларини топшириш муддати тугагандан сўнг танлов савдолари АТБ «Қишлоқ Қурилиш Банк»нинг «Тошкент қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖ корхонасида 2014 йил 7 ноябрь соат 11:00 да ўтказилади. Танлов ғолиби билан олди-сотди шартнома 60 кунга тузилади ва ушбу муддат ичида танлов ғолиби банк улушини сотувчига 100 фоиз тўлаб бериши керак. Танлов савдоларида иштирок этиш учун танлов иштирокчиси 200 млн.сўм бўнак маблағларини киритади ёки бошқа тижорат банкидан 200 млн.сўмга, мазкур суммани ушбу иштирокчи танлов савдоларида ғолиб деб топилса 3 (уч) иш кунида тўлаб бериш тўғрисида кафолат хатини танлов ташкил этувчиларга тақдим этади. Бўнак маблағлари ёки кафолат хатлари АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» махсус ҳисоб-варағига қабул қилинади.

Танлов савдоларига танлов ҳужжатлари 2014 йил 6 ноябрь соат 17:00 гача топширилиши шарт.

Танлов ҳужжатлари, корхона паспорти ва қўшимча маълумотларни қуйидаги манзил бўйича олиш мумкин:

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»нинг «Тошкент қишлоқ қурилиш сервис» МЧЖ корхонасида, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 61-уй, тел: 8-371-296-77-93, факс 8-371-296-88-42, электрон почта:
k.k.s @inbox.ru

